



## ЎСМИР ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ

Эватов Саминжон

ўқитувчи,

Фарғона давлат университети

**Аннотация:** Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида ёшлар масалаларига кучли эътибор қаратиш, таълим-тарбия масалаларига янгича ёндашувни олиб кириш, ёшларда мулоқотчанлик фазилатлари ривожланиш жуда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади

**Калит сўзлар:** Кўникма, китобхонлик, маданият, маърифат, инновацион, компетентлик, оила, мактаб ҳамкорлик, коммуникатив, компетентлик.

Бугунги глобаллашув шароитида оила ва мактаб таълими ҳамкорлигида ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг зарурый шартларидан бири – мазкур жараённи технологик асосда ташкил этишдир. Зеро, таълим стандартларини амалга ошириш билан бир қаторда тарбия стандарталрини ҳам яратишимиз керак. Шу билан бирга, узлуксиз таълим тизимида маънавий тарбия асосларини қучайтириш лозим ва бунда ўсиб келаётган авлоднинг ёш хусусиятлари ва интилишларини ҳисобга олиш зарур. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда ана шу қоидага амал қилинмаяпти. Мана шундай фазифаларни тўғри амалдга ошириш учун замонавий педагогикада таълимий, педагогик, тарбиявий, ўқитиш технологиялари ажратиб кўрсатилади ва педагогик жараёнда қўлланилади.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида ёшлар масалаларига кучли эътибор қаратиш, таълим-тарбия масалаларига янгича ёндашувни олиб кириш, ёшларда мулоқотчанлик фазилатлари ривожланиш жуда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун «Маҳалла» ва «Нуроний» кенгашлари, хотин-қизлар қўмиталари, депутатлар, сиёсий партиялар мактаб муаммолари билан яқиндан ва жиддий шуғулланиши керак. Ҳолбуки, уларни ечиш бўйича айнан шу ташкилотлар жонбозлик кўрсатиши зарур». Шу боис, бугунги ислоҳотлар шароитида оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш модели ва шу модел асосида таълим технологиясини яратиш муҳим вазифалардан биридир.

Ўқитиш методлари ўқув жараёнида иштирок этадиган икки иштирокчи: ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятидангина иборат бўлмай, балки ўқув материали мазмуни, ўқитувчи ва ўқувчи шахси, улар орасидаги муносабатлар сингари биргаликда фаолият кўрсатадиган уч жиҳатни акс эттиради. Ўқитувчининг таълим мазмуни ва ўқувчи билан биргаликдаги фаолиятини таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқув материали мазмуни ўқитувчи ва ўқувчи



муносабатларида муҳим аҳамиятга эга. Таълимнинг ўқувчилар ва ўқитувчининг биргалиқдаги дидактик фаолият тури билан уйғунлиги методнинг самарадорлигини таъминлайди.

Оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш технологияси рефлексив ёндашувнинг концептуал асосларига таянган ҳолда лойиҳалаштирилиб, мақсадга йўналтирилган, тизимли тавсифга эга қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олди: аналитик – ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг коммуникативлик компетентлигини ривожлантиришга оида маълумотларни тўплаш, таҳлил этиш, умумлаштириш ва баҳолаш; ташкилий-тайёрлов – технологияни амалга ошириш истиқболини аниқлаштириш, педагогик жараён шакл, метод ва воситаларини танлаш, ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш; фаолиятга доир – оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга тайёрлашнинг педагогик технологиясини босқичма-босқич амалга ошириш; мониторинг – оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш динамикасини баҳолаш, зарурият юзага келганда педагогик жараёнга тузатишлар киритиш; натижавий – натижаларни баҳолаш ва таълимиyтарбиявий ишларнинг истиқболдаги вазифаларини аниқлаштириш.

Мулоқот маданиятининг тарбияловчи имкониятларини рўёбга чиқариш кўп жиҳатдан ўқитувчининг шахсий сифатлари билан белгиланишини таъкидлаб ўтиш лозим. Педагогик мулоқот маданиятининг ҳар жиҳатдан тўғри танланган, ўқитувчининг маънавий савияси, бетакрор хусусиятларига мувофиқ келувчи услуби қуйидаги вазифалар мажмуини ҳал қилишга ёрдам беради:

Биринчидан, мулоқотда ҳар бир ўқувчига алоҳида эътибор ва дилкашлик, синф жамоаси билан умумий мулоқот жараёнини соддалаштиради, ўқитувчининг эркин педагогик фаолияти учун замин тайёрлайди, зиддиятли вазиятларни осон ҳал қиласди;

Иккинчидан, ҳар бир ўқувчи билан ўзаро муносабатни эркин мулоқот асосида ташкил қилиш, уларнинг ёш хусусиятларига монанд педагогик ва психологик мулоқот услубларини танлаш, унинг руҳиятини билишга, ички дунёсига –кириб боришга йўл очади;

Учинчидан, педагогик мулоқотда ўқитувчининг маънавий-ахлоқий нормалари муваффақиятлар калити бўлиб, таълим-тарбия самарадорлигини оширади, мулоқотнинг барча босқичларида ўқитувчининг ўз фаолиятидан қониқиши ҳиссини хотиржамлигини таъминлайди.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқот маданияти индивидуал услубларини шакллантириш методикаси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:



1. Ўқувчилар билан муроқот қилиш маданиятининг индивидуал шахсий хусусиятларини ўрганиши. Ўқувчилар шахсий хусусиятларини мустақил таҳдил қилиш, ҳар томонлама тавсиф бериш, ўқитувчининг муроқотни тўғри ташкил этиши асосида амалга ошади.

2. Шахсий муроқотда рўй берадиган камчиликларни аниқлаш ва дарҳол уларга барҳам бериш чораларини излаб топиш: муроқотда қўполлик, менсимаслик ва бошқа салбий ҳолатларни енгиш.

3. Ўқитувчи ўзи учун муроқот маданиятининг қулай бўлган услубларини ишлаб чиқишига доир фаолиятни ишлаб чиқиши ва ўз-ўзини кузатиш билан ютуқ ва камчиликларни таққослаш.

4. Ўзининг муроқот маданияти услубларига мувофиқ келувчи миллий анъана ва маънавиятимизга хос жиҳатлардан унумли фойдаланиш.

5. Муроқот маданиятида педагогик фаолият қонуниятларидан четга чиқмаслик, бу услубни мустаҳкамлаш (педагогик амалиёт ва малака ошириш жараёнида). Педагогик фаолиятни эндиғина бошлаётган ёш ўқитувчилар ўз касбий маҳоратларини ошириш мақсадида ўқувчилар билан муроқот маданиятини шакллантириш устида мунтазам иш олиб боришлини зарур. Таълим-тарбиявий жараённи ташкил этишда педагогик муроқот маданияти ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бевосита ўзаро муносабатини маълум бир мақсад сари ҳамжиҳатликка йўналтирувчи кучdir.

### **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари.4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.150.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент.: Ўзбекистон. 2021. –Б. 270
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.152-153.
4. Evatov, S. S. (2020). MODERN SOCIAL AND PEDAGOGICAL MEASURES FOR THE DEVELOPMENT OF SOCIAL COMPETENCE AMONG STUDENTS. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(7), 484-489.
5. Evatov, S. S. (2021). FORMATION OF STUDENTS COMMUNICATIVE COMPETENCE IN THE PROCESS OF CONTINUOUS EDUCATION. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 2(05), 13-19.
6. Sobirovich, E. S. (2021). Developing Communicative Competence of Students: Historical and Pedagogical Experience. European Journal of Humanities and Educational Advancements, 2(5), 108-111.
7. Sobirovich, E. S. (2021). INNOVATION EXPERIENCE IN THE DEVELOPMENT OF COMMUNICATIVE COMPETENCE OF STUDENTS. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(05), 483-487.



8. Sobirovich, E. S. (2022). CONTENT AND SCIENTIFIC-PEDAGOGICAL BASIS OF THE CONCEPT OF COMMUNICATIVE COMPETENCE Teacher at Fergana State University. World Bulletin of Social Sciences, 9, 176-180.
9. Sobirovich, E. S. (2022). On The Basis of Family and School Cooperation Theoretical and Methodological Fundamentals of Developing Communicative Competence of Adolescent Students. Journal of Ethics and Diversity in International Communication, 2(4), 73-77.
10. Абдулазизова, Н., & Эватов, С. (2014). КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЗАРАРЛИ ОДАТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ОМИЛЛАРИ. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 25(4), 38-41.
11. Эватов, С. С. (2016). THE ROLE OF FAMILY IN SOCIETY AND CHILD'S EDUCATION IN FAMILY. Учёный XXI века, (5-1 (18)), 46-49.
12. Эватов, С. С. (2022). ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ АСОСИДА ЎСМИР ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ. Science and innovation, 1(B3), 182-190.
13. Эватов, С. С., & Ибрагимова, С. И. (2022). ЎСМИР ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МАЗМУНИ. TA'LIM VA INNOVATSION TADQIQOTLAR, 8-9.